*Шифохоналар учун*

## ШАРТНОМА № 18

**Тошкент ш.** **2022 йил «11» 01**

**«Тошкент вилояти Дори-Дармон» АЖ,** бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи, номидан ва Низомга асосан фаолиятини амалга оширувчи Бошқарув раиси А.А. Каримов, бир томондан, хамда Кибрай ТТБ, бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи ва низомга асосан фаолиятини амалга оширувчи А. А. Эргашев., иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу Шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг бир маротабалик ёки йиллик талабномаси асосида дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва бошқа турдаги маҳсулотларни (бундан кейинги ўринларда "Товар" деб юритилади) сотади, «Харидор» эса олган товарнинг хақини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли хисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг тахминий баҳоси 1509 720/бир миллион беш юз тўққиз минг етти юз20 сўмни ташкил этади. Шартноманинг охирги якуний суммаси ҳисоб-фактура ва спецификациялар асосида амалда сотилган Товарлар суммасидан келиб чиқади. Мазкур Шартнома бўйича Товарлар нархи ҚҚС билан белгиланади, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган дори воситалари ва тиббиёт воситалари бундан мустасно.

1.3. Сотилган Товарларнинг умумий бахоси, тури, сони, нархи, спецификация (илова) да қайд этилади.

### II. ТОВАР СИФАТИ

2.1.«Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган хамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларни, шунингдек бошқа буюмларни сотади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

3.1«Харидор» гиёхванд ва психотроп дори воситалари хамда прекурсорларни сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлик фаолият учун олинган ўзининг лицензиясининг нусхасини«Сотувчи»га тақдим килиши лозим.

3.2. Сотиб олинган товарларни жўнатиш шарти: «Харидор» товарларни «Сотувчи» омборхонасидан ўзи олиб кетади.

3.3. Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг товарлар «Харидор» томонидан 5 кун мобайнида олиб кетилади.

3.4. Товарга бўлган мулк ҳуқуқи «Харидор» томонидан тўловлар тўлиқ тўлангандан кейин Харидорга ўтади.

3.5. Товарлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 30.06.2020 йилда рўйхатдан ўтган, 3259 – сонли буйруғига мувофиқ «Харидор» томонидан товар-моддий бойликларни олиш учун ваколатли шахс томонидан тегишли равишда расмийлаштирилган ишончномага мувофиқ тақдим етилган тақдирда топширилади.

3.6. Товарларни етказиб бериш санаси - бу «Сотувчи» томонидан электрон ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон

*Shifoxonalar uchun*

## SHARTNOMA № 18

**Toshkent sh.** **2022 y. "11" 01**

**"Toshkent viloyati Dori-Darmon" AJ,** bundan buyon matnda "Sotuvchi" deb ataluvchi, nomidan va Nizomga asosan faoliyatini amalga oshiruvchi Boshqaruv raisi A.A. Karimov, bir tomondan, hamda Qibray TTB, bundan buyon matnda "Xaridor" deb ataluvchi va nizom ga asosan faoliyatini amalga oshiruvchi A. A Ergashev, ikkinchi tomondan quyidagilar to'g'risida ushbu shartnomani tuzdilar:

### I. SHARTNOMA PREDMETI

1.1. "Sotuvchi" "Xaridor"ning bir marotabalik yoki yillik talabnomasi asosida dori vositalari, tibbiyot buyumlari va boshqa turdagi mahsulotlarni (bundan keyingi o'rinlarda "Tovar" deb yuritiladi) sotadi, "Xaridor" esa olgan tovarning haqini "Sotuvchi"ning bankidagi tegishli hisob-raqamiga kelishilgan muddatda o'tkazib berishni o'z zimmasiga oladi.

1.2. Shartnomaning taxminiy bahosi 1509 720 so'mni tashkil etadi. Shartnomaning oxirgi yakuniy summasi hisob-faktura va spesifikasiyalar asosida amalda sotilgan tovarlar summasidan kelib chiqadi. Mazkur shartnoma bo'yicha tovarlar narxi QQS bilan belgilanadi, amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq qo'shilgan qiymat solig'i solinmaydigan dori vositalari va tibbiyot vositalari bundan mustasno.

1.3. Sotilgan Tovarlarning umumiy bahosi, turi, soni, narxi, spesifikasiya (ilova) da qayd etiladi.

### II. TOVAR SIFATI

2.1."Sotuvchi" "Xaridor"ga O'zbekiston Respublikasida Farmakologik ro'yxatdan o'tgan, tibbiyotda ishlatishga ruxsat etilgan, sifat, markirovka va o'ramlari farmasevtik va texnik talablarga javob beradigan hamda sifat sertifikatiga ega bo'lgan dori vositalari va tibbiy buyumlarni, shuningdek boshqa buyumlarni sotadi.

### III. YETKAZIB BERISH SHARTLARI

3.1. "Xaridor: giyohvand va psixotrop dori vositalari hamda prekursorlarni sotib olishda ularning muomalasi bilan bog'lik faoliyat uchun olingan o'zining lisenziyasining nusxasini"Sotuvchi"ga taqdim qilishi lozim..

3.2. Sotib olingan tovarlarni jo'natish sharti: "Xaridor" tovarlarni "Sotuvchi" omborxonasidan o'zi olib ketadi.

3.3. Oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng tovarlar "Xaridor" tomonidan 5 kun mobaynida olib ketiladi.

3.4. Tovarga bo'lgan mulk huquqi "Xaridor" tomonidan to'lovlar to'liq to'langandan keyin "Xaridor"ga o'tadi.

3.5. Tovarlar O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 30.06.2020 yilda ro'yxatdan o'tgan, 3259 – sonli buyrug'iga muvofiq "Xaridor" tomonidan tovar-moddiy boyliklarni olish uchun vakolatli shaxs tomonidan tegishli ravishda rasmiylashtirilgan ishonchnomaga muvofiq taqdim etilgan taqdirda topshiriladi.

3.6. Tovarlarni yetkazib berish sanasi - bu "Sotuvchi" tomonidan elektron hujjat aylanishining avtomatlashtirilgan axborot tizimi orqali elektron hisob-fakturani (EHF) rasmiylashtirish sanasi deb hisoblanadi. EHF olingan kundan boshlab 5 (besh) kun ichida "Xaridor" uni elektron hujjat

ҳисоб-фактурани (ЭҲФ) расмийлаштириш санаси деб ҳисобланади. ЭҲФ олинган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида «Харидор» уни электрон ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали тасдиқлашни ўз зиммасига олади.

3.7. Товарнинг тасодифий яроқсиз аҳволга келиши ёки унга шикаст етиши эҳтимоллари учун жавобгарлик Харидорга товар Сотувчи томонидан Харидорга топширилгандан сўнг ўтади.

3.8. «Харидор» товарни қабул қилиб олиш жараёнида уни тўлиқ кўздан кечириб, агарда товарларни шартнома талабларига номувофиқ эканлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда зудлик билан Сотувчига маълум қилади ҳамда у алмаштирилади. Ушбу холат Харидор омборхонасида аниқланган тақдирда, Харидор бу ҳақда Сотувчига бир кун мобайнида ёзма тарзда (Рекламация) хабар қилади. Ушбу талаблар Хоридор томонидан амалга оширилмаган тақдирда Сотувчи Харидор талабларини бажармаслик ҳуқуқига эга.

## IV. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1 Тўлов тартиби олдиндан товар умумий нархининг30% ни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлаши, қолган 70% суммани эса тарафлар ўртасида қабул қилиб олиш акти имзоланганидан кейин 30 тақвим куни мобайнида амалга оширилади.

4.2 Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан пул маблағлари туланмаган такдирда, «Сотувчи» бир тарафлама товар нархларини ўзгартириш ёки ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга бўлади.

4.3 Агарда «Харидор» ушбу шартнома имзолангандан кейин 5 кун ичида товарни танлаб олишни амалга оширмаса, «Сотувчи» ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга бўлиб, шартноманинг олдиндан тўланган тўлов қийматини унинг 10%ни ушлаб қолган ҳолда қайтариши лозим бўлади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1.Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

5.2.Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган товар сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у холда «Сотувчи» сифатсиз товарни сифатли товар билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

5.3. Агарда "Харидор" ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатларини асоссиз кечиктирган тақдирда, хар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0.4% миқдорида жарима тўлайди, лекин ушбу жарима миқдори кечиктирилган тўловнинг 50%идан юқори булмаслиги лозим.

5.4 Товар бериш Сотувчи томонидан кечиктирилган ёки умуман тақдим қилинмаган ҳолларда, сотувчи хар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорида, тақдим қилинмаган товар қийматининг 50% кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

5.5Ушбу шартноманинг талабларини бузганлик учун тарафлар тегишли тарзда жавобгар бўладилар. Зарарлар қопланиши тўғридан тўғри етказилган зарар ва олинмаган фойданинг қопланиши тартибида ундирилади.

## VI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

aylanishining avtomatlashtirilgan axborot tizimidagi shaxsiy kabineti orqali tasdiqlashni o'z zimmasiga oladi.

3.6. Tovarning tasodifiy yaroqsiz ahvolga kelishi yoki unga shikast yetishi ehtimollari uchun javobgarlik "Xaridor"ga tovar "Sotuvchi" tomonidan "Xaridor"ga topshirilgandan so'ng o'tadi.

3.7. "Xaridor" tovarni qabul qilib olish jarayonida uni to'liq ko'zdan kechirib, agarda tovarlarni shartnoma talablariga nomuvofiq ekanligi aniqlangan taqdirda bu haqda zudlik bilan "Sotuvchi"ga ma'lum qiladi hamda u almashtiriladi. Ushbu holat "Xaridor" omborxonasida aniqlangan taqdirda, "Xaridor" bu haqda "Sotuvchi"ga bir kun mobaynida yozma tarzda (Reklamasiya) xabar qiladi. Ushbu talablar "Xoridor" tomonidan amalga oshirilmagan taqdirda "Sotuvchi" "Xaridor" talablarini bajarmaslik huquqiga ega.

## IV. TO'LOV SHARTLARI

4.1. To'lov tartibi oldindan tovar umumiy narxining 30% ni shartnoma kuchga kirgan kundan boshlab 10 kun ichida to'lashi, qolgan 70% summani esa taraflar o'rtasida qabul qilib olish akti imzolanganidan keyin 30 taqvim kuni mobaynida amalga oshiriladi.

4.2. Agarda to'lov, shartnomaning 4.1 bandiga asosan pul mablag'lari to'lanmagan taqdirda, "Sotuvchi" bir taraflama tovar narxlarini o'zgartirish yoki ushbu shartnomani bekor qilish huquqiga ega bo'ladi.

4.3. Agarda "Xaridor" ushbu shartnoma imzolangandan keyin 5 kun ichida tovarni tanlab olishni amalga oshirmasa, "Sotuvchi" ushbu shartnomani bekor qilish huquqiga ega bo'lib, shartnomaning oldindan to'langan to'lov qiymatini uning 10%ni ushlab qolgan holda qaytarishi lozim bo'ladi.

## V. TARAFLARNING JAVOBGARLIGI

5.1. Shartnoma majburiyatlarini to'liq yoki qisman bajarmaganliklari uchun tomonlar O'zbekiston Respublikasining «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi qonuni talablari doirasida mulkiy javobgardirlar.

5.2. Shartnomani 2.1 bandiga asosan "Sotuvchi" tomonidan sotilgan tovar sifatsizligi tegishli hujjatlar bilan 3 kun ichida tasdiqlansa, u holda "Sotuvchi" sifatsiz tovarni sifatli tovar bilan almashtirib beradi va bu bilan bog'liq barcha xarajatlarni o'z zimmasiga oladi.

5.3. Agarda "Xaridor" ushbu shartnomada ko'rsatilgan to'lov muddatlarini asossiz kechiktirgan taqdirda, har bir to'lov amalga oshirilmagan kun uchun shartnoma summasining 0.4% miqdorida jarima to'laydi, lekin ushbu jarima miqdori kechiktirilgan to'lovning 50%idan yuqori bo'lmasligi lozim.

5.4 Tovar berish "Sotuvchi" tomonidan kechiktirilgan yoki umuman taqdim qilinmagan hollarda, "Sotuvchi" har bir kechiktirilgan kun uchun 0,5% miqdorida, taqdim qilinmagan tovar qiymatining 50% ko'p bo'lmagan miqdorda jarima to'laydi.

5.5. Ushbu shartnomaning talablarini buzganlik uchun taraflar tegishli tarzda javobgar bo'ladilar. Zararlar qoplanishi to'g'ridan to'g'ri yetkazilgan zarar va olinmagan foydaning qoplanishi tartibida undiriladi.

## VI. FORS-MAJOR HOLATLARI

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: WC53603012

6.1. Тарафларнинг бирontаси хам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин булмаган холатлар (Форс-мажор): табий офатлар, уруш эълон килиниши ёки бошланиши, камал холати, экспорт ёки импорт операцияларини хукумат томонидан таъқикланиши билан боғлик холда бажармаганликлар учун жавобгар булмайди. Форс-мажор холат бошланганлиги ва тугаганлиги тугрисида ваколатли орган томонидан берилган хужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда огохлантиради.

## VII. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида тинч, ўзаро келишилган холда хамда тарафларнинг ўзаро жавоб бериш муддати 5 кун бўлган претензия хатларини алмашинуви орқали хал этилади.Низоларни тинчлик йули билан ҳал этишнинг иложи бўлмаганда, низо Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўрилади.

## VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1.Шартнома имзоланиб, тегишли Ғазначилик органида рўйхатга олингандан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

## IX. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

9.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча узгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, мухрлагандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

9.2. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча холатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

9.3 Ушбу шартнома томонлар учун икки нусхада имзоланган ва мухрланган бўлиб бир хил юрдик кучга эга.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНКДАГИ ХИСОБ РАҚАМЛАРИ

**«СОТУВЧИ/SOTUVCHI»**

**«Тошкент вилояти Дори-Дармон» АЖ**

Манзил: Тошкент в., Нурафшон ш, Тошкент йули кучаси 125-уй /Manzil: Toshkent v., Nurafshon sh, Toshkent yo'li ko'chasi 125-uy

тел/факс/tel/faks: 256-37-43, бух 256-34-31

Х\Р-20210000200117862001 МФО-00895

НБ ВЭД РУз Мирзо Улугбек Филиали/ NB VED RUz Mirzo Ulugbek Filiali

ИНН/INN -200625846 код ОКОНХ-71150

ОКЭД/OKED 46460

Email: doridarmon@ mail.ru

**Бошқарув раиси/ Boshqaruv raisi**

______________________

6.1. Taraflarning birontasi ham boshqa tarafning oldida ushbu shartnoma bo'yicha olgan majburiyatlarni taraflarning erki va istagidan tashqari paydo bo'lgan va ularni oldindan ko'ra bilish yoki bartaraf etish mumkin bo'lmagan holatlar (Fors-major): tabiy ofatlar, urush e'lon qilinishi yoki boshlanishi, qamal holati, eksport yoki import operatsiyalarini hukumat tomonidan ta'qiqlanishi bilan bog'lik holda bajarmaganliklar uchun javobgar bo'lmaydi. Fors-major holat boshlanganligi va tugaganligi to'g'risida vakolatli organ tomonidan berilgan hujjatga asosan bir taraf ikkinchi tarafni zudlik bilan yozma ravishda ogohlantiradi.

## VII. NIZONI HAL QILISH TARTIBI

7.1. Ushbu shartnoma majburiyatlaridan kelib chiqadigan barcha nizolar, tomonlar o'rtasida tinch, o'zaro kelishilgan holda hamda taraflarning o'zaro javob berish muddati 5 kun bo'lgan pretenziya xatlarini almashinuvi orqali hal etiladi.Nizolarni tinchlik yo'li bilan hal etishning iloji bo'lmaganda, nizo Toshkent tumanlararo iqtisodiy sudida ko'riladi.

## VIII. SHARTNOMA MUDDATI

8.1. Shartnoma imzolanib, tegishli G'aznachilik organida ro'yxatga olingandan boshlab kuchga kiradi va 31.12.2022 yilga qadar amal qiladi.

## IX. UMUMIY HOLATLAR

9.1. Shartnomaga kiritilishi lozim bo'lgan barcha o'zgartirish va qo'shimchalar faqat yozma tartibda amalga oshiriladi va tomonlar imzolab, muhrlagandan so'ng asosiy shartnomaning ajralmas qismi hisoblanadi.

9.2. Ushbu shartnomaga oid, lekin shartnomaga kiritilmasdan qolgan barcha holatlar O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari asosida hal etiladi.

9.3. Ushbu shartnoma tomonlar uchun ikki nusxada imzolangan va muhrlangan bo'lib bir xil yurdik kuchga ega.

## X. TOMONLARNING POCHTA MANZILLARI VA BANKDAGI HISOB RAQAMLARI

**«ХАРИДОР/XARIDOR»**

______________________

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

(byudjetdan mablag' oluvchining nomi)

100021860272487073101054007.

Манзил/ Manzil ______________ Тел/факс.

Tel/faks ______________

ш/ҳ. sh/h ______________

бюджетдан маблағ олувчи

СТИРи/ STIRi ________ ОКОНХ/ОКОNX ________

Ғазначилик бўлинмаси номи ________

Банкнинг номи ______________

МФО/ MFO ________

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи/ G'aznachilik bo'linmasi STIRi ________

QIBRAY T. TIBBIYOT BIRLASHMA
INN 201679059 OKONX 91511
YAGONA G'AZNA XISOBVARAG'I
INN 201122919 MFO 00014

**Рахбар/ Rahbar**

А. А. Эргашев.

______________________

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган Лицензия асосида ҳусусий амалиёт амалга оширувчи Адвокат ҳуқуқий экспертизани амалга оширди. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига кўра ишлаб чиқилган. Шартнома шартлари мазкур турдаги битимларга нисбатан қўйиладиган қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартномада кўрсатилган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун белгиланган жавобгарлик чоралари Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни талабларига мос келади.__________________Адвокат ______________

Кўриб чиққан юрист: MAXMUDOV NURMUXAMMAD ABDURASHID O'G'LI. Ҳужжат рақами: IG3781733670

план закуп +

# Спецификация
## к договору №18 от 11.01 2022

*Поставшик* **Тошкент вилояти "Дори-Дармон" АЖ**
*Адрес* **Тошкент в,Нурафшон ш,Тошкент йули куч 125-уй**
*Телефон* **95 198-03-12,95 198-03-15**
*Р/счет* **20210000200117862001**
*в* **г.Ташкент, Мирзо-Улугбекское отд.НБ ВЭД РУз**
*МФО* **00895** **200625846**
*ОКОНХ* **71150**

*Получат* **Кибрай ТТБ**
*Адрес* QIBRAY T. TIBBIYOT BIRLASHMA
INN 201679059 OKONX 91511
*Телефон* YAGONA G'AZNA XISOBVARAG'I
*Р/счет* X/R 23402000300100001010
*в* INN 201122919 MFO 00014
*МФО* 100022860272487073101054001.
*ОКОНХ*

| № | Наименование товаров | Срок годн. | Производитель | Ед.Изм | Кол-во | Цена | НДС 15% | Цена с НДС | Сумма с НДС |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЭТАНОЛ (СПИРТ ПИШЕВОЙ АЛЬФА) 96,58 (КГ) | 01.01.2099 | БИОКИМЕ | КГ | 60,00 | 21 880,00 | 3 282,00 | 25 162,00 | 1509720 |

бир миллион беш юз тўққиз минг етти юз йигирма сўм **1509720**

**Поставщик** ______________ **Покупатель** ______________

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON AKSIYADORLIK JAMIYATI DORI DARMON

https://bo.birdarcha.uz/brc/le_change/certificate?id=845

001022

## Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning, – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.10.2003 11-001022 ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 200625848

Tashkiliy-huquqiy shakli: Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi,125-uy,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Nurafshon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

my.gov.uz
Ягона Интерактив
Давлат Хизматлари Портали

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

№ 5966-665e-d79f-47a6-85c2-7870-7265
Ҳужжат яратилинган сана: 2020-06-03
Ариза рақами: 19135820

Ҳужжат берилган: АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON"
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200625846

**Серия: - №: -**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги**
**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги**

**Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15603 - сонли**
**ЛИЦЕНЗИЯ**

Ушбу лицензия "TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON" акциядорлик жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

**Жойлашган жойи (почта манзили):** Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тошкент йўли кўчаси,125-уй.

| | |
|---|---|
| **Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):** | 200625846 |
| **Лицензия берилган сана:** | 01-06-2020 йил |
| **Амал қилиш муддати:** | 01-06-2025 йил |
| **Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:** | 14190-20 |
| **Ваколатли шахс:** | С.Кариев |

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун repo.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7455

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... AKSIYADORLIK ... DARMON ... VILOYATI

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: IG3781733670

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**TOSHKENT VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**
**QIBRAY TUMANI YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**
111200 Qibray tumani, Zebuniso ko'chasi, 1a-uy,
Tel: +(99890) 953-37-80 el.pochta: qibray-yurmarkaz@adliya.uz

**2022-yil 11-yanvar**

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIKKA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma №18

2. Loyihaning nomi:

Qibray tumani Tibbiyot birlashmasi bir tomonda, ikkinchi tomonda "Toshkent viloyati Dori-Darmon" AJ tomonidan tuzilgan oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Qibray tumani Tibbiyot birlashmasi hamda "Toshkent viloyati Dori-Darmon" AJ tomonidan 2022-yil 11-yanvarda ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga asosan ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq. Asos: O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I qonuni, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni; O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-3953-sonli qarori, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi PQ-3953 sonli qaroriga asosan davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan dori vositalari va tibbiyotda qo'llaniladigan buyumlar Ro'yxati.

**Markaz bosh maslahatchisi** **N.Maxmudov**